



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ САНКТ- ПЕТЕРБУРГ ГУБЕРНАТОРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 8 ноябрь куни мамлакатимизга амалий ташир билан келган Санкт-Петербург шаҳри губернатори Георгий Полтавченкони қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни кутлар экан, жорий йилда бўлиб ўтган олий даражадаги самарали учрашувлар ва уларнинг яқинлари бўйича эришилган келишувлар, жумладан, апрель ойида имзоланган икки мамлакат минтақалари ўртасида ҳамкорлик тўғрисида ҳукуматлараро битим Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари ва Россия Федерацияси субъектларининг амалий ҳамкорлигини, аввало, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳалардаги алоқаларни фаоллаштиришга хизмат қилганини мамнуният билан қайд этди.

Учрашувда Ўзбекистон ва Санкт-Петербург шаҳри ўртасидаги аънанвий яқин ва ўзаро манфаатли муносабатларни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш масалалари кўриб чиқилди.

Бугунги кунда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 200 миллион долларни ташкил қилмоқда. Санкт-Петербург шаҳрида 1 миллионга яқин юртдошимиз меҳнат фаолиятини амалга оширмоқда. Шаҳарнинг етакчи олий ўқув юртида 3 мингдан зиёд ёшларимиз таълим олмоқда.

Ўзаро савдо ҳажмини ошириш ва етакчи корхоналар ўртасида кооперацияни кенгайтириш учун мавжуд салоҳиятдан самарали фойдаланиш зарурлиги қайд этилди.

Соғлиқни сақлаш, таълим ва туризм соҳаларида қўша дастур ва лойиҳаларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Санкт-Петербург шаҳри губернатори Георгий Полтавченко Президентимиз Шавкат Мирзиёевга салимий қабул учун чуқур миннатдорлик билдирди. Ўзбекистон билан устувор йўналишларда кенг қўламли ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор эканини таъкидлади.

ЎзА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Афғонистон ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 25 йиллиги муносабати билан йўллаган табригиниз мени гоят мамнун этди. Бунинг учун сизга миннатдорлик билдиришга, бутун афгон халқи ва шахсан ўз номидан Сизни ва биродар Ўзбекистон халқини ушбу муҳим сана билан муборакбод этишга ижозат бергайсиз.

Қадри биродарим, муҳтарам Ўзбекистон Республикаси Президенти!

Халқларимизнинг тили, дини ва маданияти яқин экани ўзаро дўстлик алоқаларини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш учун муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда. Афғонистон ва Ўзбекистон Республикаси халқларимиз манфаатига хизмат қиладиган ўзаро алоқаларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш бўйича салмоқли қадамлар ташлади. Менинг ва Афғонистон делегацияларининг Ўзбекистонга сўнгги сафарлари мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришдан манфаатдор эканимизнинг яққол тасдиғидир. Сизга ва бутун ўзбек халқига ушбу йиллар мобайнида кўрсатилган ёрдам учун ўз миннатдорлигимни билдираман.

Афғонистон мамлакатларимизни янада яқинлаштириш ва иқтисодий-иқтисодий ривожлантиришга хизмат қиладиган қўша лойиҳалар устида ишлашни давом эттиради.

Мамлакатларимиз ўртасида ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш йўлидаги саъй-ҳаракатларининг учун Сизга яна бир бор ташаккур изҳор этаман. Бу ҳамкорлик бундан кейин ҳам фақат кенгайиб бораверишига ишончим комил.

Сўзим охирида Сиз, Жаноби Олийларига яна бир бор мустаҳкам соғлиқ, халқингизга бахт ва фаровонлик тилайман.

Муҳаммад Ашраф ФАНИ,
Афғонистон Ислон Республикаси Президенти

Хушхабар!

ГЎЗАЛ ИСМАТОВА — ОСИЁ ЧЕМПИОНИ!

Бокс бўйича Ўзбекистон хотин-қизлар терма жамоаси аъзоси Гўзал Исматова Вьетнамда ўтказилган Осиё чемпионатида олтин медални қўлга киритди.

Нуфузли мусобақада Гўзал 81 килограммдан ортиқ вазн тоифасидаги финал баҳсида мезбонлар вакили Ти Тран Нини 5:0 ҳисобида мағлубиятга учратиб, шохсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди.

Ўз вазн тоифасида Ёдгорой Мирзаева ва Ўзбозахон Мелиева учинчи ўринни эгаллади.

Шу тариқа, Осиё чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси 1 олтин ва 2 бронза медалга сазовор бўлди.

Ж.ТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЭНЕРГИЯ РЕСУРСЛАРИДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШНИ ТАЪМИНЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатда электр ва газ таъминоти тизимини изчил модернизация қилиш ва технологик қайта жиҳозлаш, энергия тежамкорлик асослари ва етказиб берилган электр энергияси ва табиий газ учун ўзаро ҳисоб-китоблар механизмларини такомиллаштириш чоралари кўриломоқда.

Амалга оширилаётган тадбирлар барқарор ижтимоий-иқтисодий ўсиш, ишчанлик фаоллиги ва мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлигини, аҳолининг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини оширишнинг муҳим омилларидан бири бўлган энергетика тармоғини ривожлантиришга қаратилган.

Шу билан бирга, истеъмолчилар тоифасини иноватга олган ҳолда етказиб берилаётган энергия ресурслари қийматини аниқлашда табақалаштирилган ёндашишнинг мавжуд эмаслиги улардан нооқилона фойдаланишга олиб келмоқда, энергия тежамкор технологиялар ва муқобил энергия манбаларини жорий этишни рағбатлантирмайди.

Шаҳарсозлик соҳасидаги амалдаги норма ва қоидалар объектларнинг энергия самарадорлигини таъминловчи замонавий талабларга жавоб бермайди. Шунингдек, бинолар ва иншоотларнинг қурилиши ва реконструкция қилинишида энергия тежамкор материаллар ва технологияларни қўллашга етарли эътиборнинг мавжуд эмаслиги ҳам энергия ресурсларининг ортқича сарф қилинишига олиб келмоқда.

Электр ва газ таъминоти тизимини янада такомиллаштириш, бозор механизмларини кенг жорий қилиш орқали энергия ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш, шунингдек, мазкур соҳада

кўрсатилаётган хизматлар сифатини яхшилаш мақсадида:

1. «Ўздавэнеергозорат» ДИ, «Ўздавнефтьгазинспекция» ДИ, «Ўзтрансгаз» АЖ ва «Ўзбекэнеерго» АЖнинг фаолияти қониқарсиз деб топилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, «Ўзбекэнеерго» АЖ, «Ўзтрансгаз» АЖ, «Ўздавэнеергозорат» ДИ, «Ўздавнефтьгазинспекция» ДИ ва «Энергия тежаш миллий компанияси» АЖнинг қуйидаги тартибни белгилаш ҳақидаги тақлифлари қабул қилинсин:

а) 2018 йил 1 январдан: иловага мувофиқ рўйхат бўйича маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи истеъмолчилар электр энергияси (750 кВт)га бўлган қувватта уланган) ва табиий газ учун тўловлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан ўрнатиладиган ўсиб борувчи коэффициентлар ва тарифларга мувофиқ амалга ошириладилар;

750 кВт ва ундан юқори бўлган қувватта уланган (бюджет ташкилотлари, фермер хўжаликлари ва сув истеъмолчилари уюшмаларининг насос станциялари, шунингдек, Давлат бюджетидан молиялаштириладиган насос станциялари бундан мустасно) истеъмолчилар электр энергияси учун ҳисоб-китобларни иккинчи гуруҳ тарифлар бўйича тўловларни амалга оширадиган юридик шахслар учун тариф миқдорида белгиланадиган сутка вақтларининг табақалаштирилган тарифи бўйича амалга оширади.

Бунда ағона электр энергетика тизимининг энг катта юкламали соатларида (тиғиз пайт — белгиланган тартибда ўрнатилган эрталабки

ва кечки «энг катта миқдор») фойдаланилган электр энергияси учун тўловлар белгиланган тарифга нисбатан 1,5 барабар миқдорда ўсувчи коэффициентни қўллаш орқали, энг кам юкламали соатларда эса (тунги пайт — сутканинг қоронғи вақти) белгиланган тарифга нисбатан 1,5 барабар миқдорда камаювчи коэффициентни қўллаш орқали ва ярим тиғиз пайтда (сутканинг ёруғ вақти) ўрнатилган тариф бўйича амалга оширилади;

давлат органлари ва муассасаларининг бино ва иншоотлари, шунингдек, кўп квартиралли уй-жой фондини лойиҳалаштириш, реконструкция қилиш, қуриш ва фойдаланишга топширишда уларда энергия самарадор ва энергия тежамкор технологиялардан фойдаланилганлиги юзасидан шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига мувофиқлиги текширилади;

якка тартибдаги уй-жой қурилишдан ташқари, барча бино ва иншоотларни лойиҳалаштириш, реконструкция қилиш ва қуришда, иссиқ сув таъминоти учун сертификатланган қуёш сув иситтич қурилмаларини, шунингдек, энергия тежамкор лампаларни мажбурий тартибда ўрнатиш кўзда тутилади;

б) давлат органлари ва ташкилотлари 2022 йил 1 январдан: уларнинг балансида бўлган бино ва иншоотларда иссиқ сув таъминоти учун фақат сертификатланган қуёш сув иситтич қурилмалари, шунингдек, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган ички ёритиш энергия тежамкор лампалардан фойдаланиши шарт; марказлаштирилган иссиқ сув таъминотидан узиб қўйилади.

► Давоми 2-бетда.

МУНОСАБАТ ЯХШИЛАРНИНГ МЕҲРИ УНУТИЛМАЙДИ...



Ҳасан НОРМУРОДОВ, «Нуроний» жамғармасининг Самарқанд вилояти бўлими раҳбари, халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси, «Эл-юрт хурмати» ордени соҳиби:

— Президентимизнинг Жиззах шаҳрида Шароф Рашидов ҳайкали очилиши тантанасидаги нутқини эшитиб, қалбим фахр-ифтихорга тўлди. Кўз ўнгимдан тарихнинг синови ва оғир йиллари бир-бир ўтди.

Атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов билан замондош бўлганимдан, бирга ишлаганимдан, жуда кўп марта бу табарруқ инсоннинг суҳбатини олганимдан бир умр бахтиёрман.

Шароф Рашидов гоёта мураккаб бир даврда халқимиз, мамлакатимиз манфаати йўлида жуда катта ишлар қилгани, жасорат кўрсатгани бугун барчамизга яхши маълум.

Йиллар, асрлар ўтади. Қаҳрамон шоиримиз Абдулла Орипов айтганидек: «Яхшиларнинг меҳри унутилмас лекин, Унутилмас улар олдидаги қарз». Биз ҳам она Ватанимиз ва халқимиз бахти-саодати йўлида ўзини бағишлаган улуғ инсонлар хотираси олдида бош эгиб таъзим қиламиз.

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг қўллаб-қувватлаш қаторида кекса авлод вакиллари қўллаб-қувватлаш, уларни босиб ўтган умр йўлига ҳаққоний баҳо бериш, хизматларини муносиб тақдирлаш, ёш авлодга ўрнак қилиб кўрсатиш борасидаги савобли амалларни алоҳида қайд этишни истайман.

Жиззахда очилган ҳайкал, хиёбон, шунингдек, мемориал музей ва бўлиб ўтган тантаналар бутун халқимизни беҳад қувватлади. Тарихга замон нуқтаи назаридан ҳолис баҳо бериш керак. Ушандагина адолат қарор топади. Тарихни тўғри таҳлил қила олмаган, ундан ҳулоса чиқармаган миллат келажагини ҳам аниқ қўролмайдди, тўғри кура олмайди. Бунга яқин ўтмишимизда қўллаб-қувватлаш бор.

Биз Шароф Рашидов тимсолида ўзлгимизни англаб, халқимизнинг қадр-қимматини ўз ўрнига қўйдик, деб ўйлайман.

Шу ўринда мазкур масаланинг яна бир муҳим жиҳати эътибор қаратмоқчиман. Раҳматли Шароф Рашидовнинг бутун ҳаёти, ижоди Самарқанд билан чамбарчас боғланган эди. У киши Самарқанд давлат университетининг филология факультетида ўқиганди. Шу боис ушбу табарруқ даргоҳга ўзгача меҳр билан қарарди. У илк китобларидан бирининг номини ҳам «Самарқанд қуйлари» деб атаган эди. Мен ўзи туғилган юртга, ишлаган жойига, таълим-тарбия олган даргоҳига алоҳида эътибор билан қарашни Шароф Рашидовдан ўрганиш керак, деб ўйлайман. Бу инсон бир умр Самарқанд давлат университети олимлари билан яқин алоқада бўлди, уларни қўллаб-қувватлади. Академиклар Воҳид Абдуллаев, Акбар Отахўжаев, профессорлар Ҳамдам Бердиев, Нуриддин Шуқров, Худойберди Дониёров, Максуд Мўминов, Раҳматулла Қўнғуров, Ботир Валихўжаевлар у кишининг ардоғида бўлишган. Шароф Рашидов давлат ишларидан ортиб, университет юбилейларида, халқаро анжуманларда ҳам иштирок этган эди. Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан у ўқиган Самарқанд давлат университетидан ёдгорлик лавҳаси ўрнатилди.

Жиззахдаги тантаналарда иштирок этарканман, Президентимизнинг нутқларини эшитиб, у киши билан суҳбатлашиб, шундай фикрга келдимки, Ўзбекистон яқин вақт ичида дунёнинг энг ривожланган, тараққий этган барқарор, тинч-тотув мамлакатига айланади. Бундай дейишга бугун барча асосларимиз бор. Мамлакатимизда шундай бир олтин халқа яратилдики, кексалар донишмандлиги, тажрибаси билан ёшлар куч-қудрати бирлаштирилди. Мен ишонаман, бундай халқ билан улуғвор мақсадларга эришиб бўлади. Мен ишонаман, Президентимиз халқимизнинг дунё сахнадаги тарихий ўрнини, хурматини янада юксалтиради.

Барчиной ҲАМИДУЛЛАЕВА
ёзиб олди.



Обуна — 2018

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» газетасига ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

ОБУНА
ИНДЕКСИ 220

www.uzbekistonovozi.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИЭНЕРГИЯ РЕСУРСЛАРИДАН ОҚИЛОНА
ФЙДАЛАНИШНИ ТАЪМИНЛАШ ЧОРА-
ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

3. «Энергия тежаш миллий компанияси» АЖ:

а) Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, «Ўзбекэнерго» АЖ ва бошқа идоралар билан биргаликда уч ой муддатда давлат органлари ва ташкилотлари бино ва иншоотларида қуёш сув иситгич қурилмалари ва маҳаллийлаштирилмаган маҳсулотлар асосида мамлакатимизда ишлаб чиқарилган энергия тежамкор лампаларни ўрнатиш босқичларини, шунингдек, маҳаллийлаштирилмаган маҳсулотлар асосида иссиқлик ва электр энергия истеъмоли ҳажмини инобатга олган ҳолда мазкур маҳсулотни аниқ етказиб берувчиларини белгилаш бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Давлат органлари ва ташкилотлари икки ҳафта муддатда қуёш сув иситгич қурилмалари ва энергия тежамкор лампаларни жорий қилиш ҳолатлари, иссиқлик ва электр энергия истеъмоли ҳажми, кадастр ҳужжатларини илова қилган ҳолда улар томонидан эгаллаб турилган майдонлар ўлчами ҳақидаги техник маълумотларни ва ҳудуднинг муҳандислик коммуникациялари акс этган режасини «Энергия тежаш миллий компанияси» АЖ га тақдим этилишини таъминласин;

б) «Ўзбекэнерго» АЖ, «Ўзтрансгаз» АЖ, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, иссиқлик ва электр энергияси, шунингдек, биогаз ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи хусусий корхоналар билан биргаликда уч ой муддатда:

иссиқлик ва электр энергияси, шунингдек, биогаз ишлаб чиқариш ва истеъмолчиларга тўғридан-тўғри етказиб бериш билан шуғулланувчи корхоналар томонидан «Ўзбекэнерго» АЖнинг электр тармоқлари ва «Ўзтрансгаз» АЖнинг газ тақсимлаш тармоқларидан фойдаланмаган ҳолда иссиқлик ва электр энергияси ҳамда

биогазни реализация қилиш тартибини ишлаб чиқсин;

иссиқлик ва электр энергияси, шунингдек, биогаз ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи хусусий корхоналар томонидан реализация қилинадиган иссиқлик ва электр энергияси ҳамда биогазга тижорат нархларини белгилаш бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

4. Белгилансинки, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилиши, энергия самарадор ва энергия тежамкор технологияларни қўллаш борасида эса «Энергия тежаш миллий компанияси» АЖ билан ҳам мажбурий тартибда келишилиши шарт.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги, «Энергия тежаш миллий компанияси» АЖ ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

икки ой муддатда бино ва иншоотларни энергетик аудитдан ўтказиш, белгиланган шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига мувофиқлик паспортини ёки тегишли нормалардан ортиб кетганлик ҳолатини бартараф этиш зарурлиги тўғрисида ҳулоса бериш, шунингдек, уларнинг энергия самарадорлиги тоифасини аниқлаш тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

2018 йил 1 мартга қадар муддатда амалдаги шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларини уларнинг қайта қўриб чиқиши ва давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминлаган ҳолда танқидий ўрганиб чиқсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги «Ўзэлтехсаноат» АЖ, «Энергия тежаш миллий компанияси» АЖ, «Ўзбекэнерго» АЖ, Давлат солиқ қўмитаси, Савдо-саноат палатаси ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда энергия тежамкор лампалар ишлаб чиқарилишининг маҳаллийлаштирилишини

кенгайтириш ҳамда уларни турар ва нотурар жойларда босқичма-босқич жорий этиш бўйича комплекс дастур лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, «Энергия тежаш миллий компанияси» АЖ, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда 2018 йил 1 январга қадар муддатда давлат органлари ва муассасаларининг бино ҳамда иншоотлари, шунингдек, кўп квартиралли уй-жой фондини энергетик аудитдан ўтказиш дастури лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, «Ўзбекэнерго» АЖ ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда 2018 йил 1 февралга қадар муддатда фермер ҳўжаликлари ва сув истеъмолчилари уюшмаларининг мавжуд насос станцияларини уларнинг техник ҳолати, қуввати, балансида сақловчисини аниқлаш, фермер ҳўжаликлари ер участкаларида электр энергияси ва сув сарфи самарадорлиги нуқтани назаридан, шунингдек, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари турлари ва республика туманлари кесимида насос станциялари билан суғориладиган ер майдонлари, паст самарали ва энергия кўп сарфлайдиган насосларнинг мавжудлиги, электр энергиясини ҳисоблаш ускуналари, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари билан шартномаларнинг мавжудлигини инвентаризациядан ўтказсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2017 йил 8 ноябрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Энергия ресурсларидан оқилон
фйдаланишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига
ШАРҲ

Ёқилғи-энергетика комплексини модернизация қилиш ва технологик қайта жиҳозлаш, электр энергияси ва табиий газдан оқилон фйдаланишга ўтиш мамлакатда амалга оширилаган катта қўламли ижтимоий-иқтисодий ислохотлар муваффақиятини гарови ҳисобланади.

Шу билан бирга, энергетик сектордаги ишларнинг ҳақиқий аҳоли энергия тежамкор технологиялар етарли даражада жорий этилмаётгани ва амалдаги шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари мукамал эмаслигидан далolat беради.

Давлат раҳбари томонидан қабул қилинган «Энергия ресурсларидан оқилон фйдаланишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарор мамлакат миқёсида энергия тежамкор услублар ва технологияларни жорий қилишга муҳим қадам бўлди.

Хусусан, 2018 йил 1 январдан бошлаб энергия ресурсларидан оқилон фйдаланишни рағбатлантирувчи бир қатор механизмлар жорий қилинмоқда.

Шу жумладан, пишган ғишт, гипс, цемент ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи, шунингдек, муайян хизматлар кўрсатувчи (ресторанлар, кафедрлар ва б.) истеъмолчилар уланган қуввати 750 кВт бўлган электр

энергияси ва табиий газ учун тўловлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан ўрнатилган ўсиб борувчи коэффицентлар ва тарифларга мувофиқ амалга оширилиши назарда тутилмоқда.

Уланган қуввати 750 кВт ва ундан юқори бўлган истеъмолчилар электр энергия учун ҳисоб-китобларни сутка вақтларининг табақалаштирилган тарифи бўйича амалга оширади. Мазкур тартиб бюджет ташкилотлари, фермер ҳўжаликлари ва сув истеъмолчилари уюшмаларининг насос станциялари, шунингдек, Давлат бюджетидан молиялаштирилмаган насос станцияларига нисбатан татбиқ этилмади.

Республиканинг электр таъминоти тизимига юкларни тенглаштириш мақсадида электр энергиядан фйдаланганлик учун тўловларнинг қулай тарифлари жорий қилинмоқда.

Жумладан, тигиз пайт — эрталабки ва кечки вақтда (белгиланган тартибда ўрнатилди) фйдаланилган электр энергияси учун тўловлар белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар миқдорда ўсувчи коэффицентини қўллаш орқали амалга оширилади. Энг кам юкларли соатларда, яъни тунги пайтда белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар миқдорда

камаювчи коэффицентдан фйдаланилади. Бунда белгиланган тариф ярим тигиз пайтда, яъни сутканинг ёруғ вақтда электр энергия таъминотига тўловлар учун сақлаиб қолади.

Давлат органлари ва муассасаларининг бино ва иншоотлари, шунингдек, кўп квартиралли уй-жой фондини лойиҳалаштириш, реконструкция қилиш, қуриш ва фйдаланишга топширишда уларда энергия самарадор ва энергия тежамкор технологиялардан фйдаланилганлиги юзасидан шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига мувофиқлигини текшириш талаби жорий қилиниши илғор чора-тадбирлардан бири ҳисобланади.

Шунингдек, яқка тартибдаги уй-жой қурилишидан ташқари, барча бино ва иншоотларни лойиҳалаштириш, реконструкция қилиш ва қуришда, иссиқ сув таъминоти учун сертификатланган қуёш сув иситгич қурилмалари, шунингдек, энергия тежамкор лампалар мажбурий тартибда ўрнатилди.

Шу билан бир қаторда, 2022 йил 1 январдан бошлаб барча давлат органлари ва ташкилотларини иссиқ сув таъминотидаги қуёш сув иситгич қурилмалари билан биргаликда илғор чора-тадбирлардан бири ҳисобланади.

Таъминоти учун сертификатланган қуёш сув иситгич қурилмаларидан, шунингдек, ички ёритиш учун мамлакатимизда ишлаб чиқарилган энергия тежамкор лампалардан фйдаланиш шарт бўлади.

Шуни инобатга олган ҳолда, давлат органлари ва ташкилотлари бино ва иншоотларида қуёш сув иситгич қурилмалари ва маҳаллийлаштирилмаган маҳсулотлар асосида мамлакатимизда ишлаб чиқарилган энергия тежамкор лампаларини ўрнатиш босқичларини белгилаш тўғрисида топшириқ берилмоқда. Шунингдек, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни кенгайтириш ва энергия тежамкор лампаларни турар ва нотурар жойларда босқичма-босқич жорий этиш бўйича комплекс дастур қабул қилинади.

Дастлабки ҳисоб-китобларга қўра, давлат органлари ва ташкилотлари томонидан иссиқ сув таъминоти учун қуёш сув иситгич қурилмаларининг жорий этилиши ва фйдаланилиши натижасида иситилмайдиган даврда (апрель-октябрь) иситиш станциялари томонидан табиий газ истеъмоли ҳажми деярли 10 миллион куб метр ёки 2,5 миллиард сўмга қисқаради.

Таъкидлаш лозимки, бутун қишда 35 та биогаз ишлаб чиқарувчилар, 10 та қуёш

инвентаризация якунига қўра, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги «Ўзбекэнерго» АЖ, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари давлат харида ва қишлоқ ҳўжалигини техника билан жиҳозлашни мақсадли молиялаштириш жамғармаси билан биргаликда 2018 йил 1 мартга қадар муддатда насос станцияларидан фйдаланиш билан боғлиқ эксплуатация қилувчи ташкилотларни, молиялаштиришнинг аниқ манбаларини аниқлаш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. «Ўзбекэнерго» АЖ ва «Ўзтрансгаз» АЖ:

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда 2018 йил 1 июлга қадар муддатда бухгалтерик, молиявий, ишлаб чиқариш ва бошқарув ҳисобини автоматлаштириш бўйича дастурий комплексларни ўз ичига олган бошқарувнинг ягона ахборот тизимини ишлаб чиқсин ва идоравий бўйсунувдиган корхоналарда жорий этсин;

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини ташкил қилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

МУНОСАБАТ
«БИЗНИ УЛУҒВОР
МАҚСАДЛАР
БИРЛАШТИРАДИ»

Туркия Буюк Миллат Мажлиси Конституциявий комиссияси раиси, Адолат ва тараққиёт партиясидан (Истанбул) депутат, профессор, доктор Мустафо ШЕНТОП Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркияда давлат ташири ҳақида ўз фикрларини билдирди:

— Туркия ва Ўзбекистон муносабатлари икки мамлакат ўртасидаги одавий бўлган дипломатик муносабатлардан юқориқоқ турадиган, узоқ ўтмишга эга бўлган ҳамкорликдир. Мамлакатларимизнинг ўтмиши бир бўлиши билан бирга тақдир ҳам бирдир. Тарих ва бутунимиз муштарак экан, демакки, келагачимиз ҳам муштарак. Президентларимиз томонидан қабул қилинган қўшма баёнотларда стратегик шериклик ва ҳамкорлик масалаларига алоҳида ўрин ажратилгани ҳам бунинг ёрқин далили ҳисобланади.

Ўзбекистондаги ўзгаришларни яқиндан кузатиб бораёямиз. Биринчи Президент Исом Каримов саяё-ҳаракати билан Ўзбекистон кўплаб сиёсий ва иқтисодий қийинчиликларни енгиб, барқарорликни сақлаб қолди. Мана шу барқарорлик ва ишонч муҳитида дўст ва қардош Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида ҳар соҳада янги ривожланиш босқичига кўтарилмоқда. 2017 йилнинг Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили деб эълон қилиниши замирида ҳам улкан ислохотларнинг бошланиши қўзда тутилган эди. Шу билан бир қаторда, жорий йилда эълон қилинган 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси давлат бошқаруви, қонун устуворлиги, хавфсизлик, иқтисодиёт ва ижтимоий ҳаётни ўз ичига олган кенг қамровли ривожланиш сиёсатидир. Бу айни вақтда ҳам иқтисодиётни, ҳам демократияни тараққий эттириш истагида бўлган Ўзбекистон учун кучли иродани ўзида акс эттирган ислохотлар жамланмасидир. Зеро, минтақадаги энг муҳим ислохотлардан бири қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш бўлиб, бу жуда муҳим ва эътиборга лойиқдир. Мазкур ҳужжат Туркия билан дўст ва қардош Ўзбекистон ўртасида ҳар соҳада ҳамкорликни ривожлантиришнинг пойдевори бўлиб хизмат қилади. Биз, Туркиянинг турли соҳалардаги тажрибасини қардош мамлакат Ўзбекистон билан ўртоқлашган ҳолда биргаликда ривожланиш, юксак марраларга эришиш ва келажақ сари ҳаракат қилишни истаймиз. Туркия Буюк Миллат Мажлиси Конституциявий комиссияси раиси ва бир ҳуқуқшунос олим сифатида ҳар икки мамлакат парламентларининг конституциявий ва ҳуқуқий комиссиялари ўртасидаги ҳамкорлик икки томонлама муносабатлар ривожига муҳим ҳисса қўшишини айтиб ўтмоқчиман.

Анқара шаҳрида бўлиб ўтган олий даражадаги музокараларда Президентимиз Режеп Таййип Эрдоған мазкур таширининг расмий таъини айтиб ўтди. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ҳам барчамизга чуқур таъсир қилган бир ифода билан Қариндошларнинг бир-бирини қанчалик соғинганини тушуниш-тушунтириш учун бирор гап айтишнинг ҳожати йўқ, бу кўзларимиздан, қарашларимиздан яққол сезилиб турибди, деди.

Ҳақиқатан ҳам, ўзбек ва турк халқлари бир-бирларини жуда соғиндилар. Бир томондан, дийдорлашайлик, иккинчи томондан, иқтисодий, тижорий, сиёсий ва бошқа соҳаларда ҳамкорлигимизни ривожлантирайлик. Туркия ва Ўзбекистон стратегик, сиёсий, географик, минтақавий ва халқаро хавфсизлик нуқтани назаридан турли хусусиятларга эгадирлар. Вақти-вақти билан бу хусусиятлар ва улар билан боғлиқ амалга ошириладиган тадбирлар турлича бўлиши мумкин. Бундай вақтларда тўғридан-тўғри танқидий ёндашув эмас, балки ҳолатларнинг нозик томонларини тушунишга ҳаракат қилиш, маълумотларга эга бўлиш учун музокара олиб бориш, тўғри йўлни танахш ва дўстона муносабатлар ҳақида гапирар эканмиз, турли вазиятларни тўғри англаш, ҳурмат кўрсатиш янада самарали ва фойдали бўлишига ишонаман.

Қардош икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар, биринчи навбатда, иқтисодий ва тижорий муносабатлар бўлиб, шу билан бир қаторда, бошқа соҳаларда ҳам қисқа вақт ичида бундан-да юқори даражаларга кўтарилишига ишонаман. Бунини муваффақиятли амалга оширишда барчамизнинг муҳим вазифаларимиз бор. Муносабатларимизнинг бу янги босқичи ҳар икки томон учун ҳам хайрли бўлишини тилаб қолам.

Фикримни ўзбек қардошларимизнинг Юртларимиз тинч-омон, барқарор давлатимиз мангу бўлсин, деган сўзлари билан яқунламоқчиман. «Ўзбекистон овози» газетаси орқали қардош ўзбек халқига салом ва чуқур эҳтиромимни изҳор этаман. Бизни улўғвор мақсадлар бирлаштиради.

Фаррух ҲАМРОЕВ
ёзиб олди.

2018 йил 1 январдан бошлаб энергия ресурсларидан оқилон фйдаланишни рағбатлантирувчи бир қатор механизмлар жорий қилинмоқда. Электр энергиядан фйдаланганлик учун тўловларнинг қулай тарифлари жорий қилинмоқда.



«Биз билган ва билмаган ҲАЗРАТИ ИНСОН»

Халқимизнинг жасур ва фидойи фарзандларидан бири, атоқли давлат арбоби ва адиб Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллиги арафасида бу улуг инсоннинг раҳбарлик фаолияти ҳамда ижодига бағишланган бир қатор китоблар нашр этилди. Шароф Рашидов билан узоқ йиллар бирга ишлаган Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Азиз Тўраевнинг «Биз билган ва билмаган Ҳазрати инсон» китоби ҳам кенг жамоатчилик томонидан мамнуният билан қабул қилинди. Мазкур асарда Шароф Рашидовнинг инсоний фазилатлари, раҳбарлик истеъдоди, республикамиз тараққиёти йўлида қилган хизматлари аниқ тарихий нисоллар асосида ҳикоя қилинади.

— «Мен Шароф Рашидов билан ҳамкор-у ҳамнафас бўлиб, 10 йил меҳнат қилдим, — деб ҳикоя қилади муаллиф. — Ўн йил оз муддат эмас. Агар диққат қилинса, бу даврда ҳар қандай одамнинг феъл-атвори, камчиликлари, қизғинчилиги ва фазилатларини ўрганиб олиш мумкин. Бир шогирд сифатида... бу инсоннинг юксак раҳбарлик салоҳияти, ноёб истеъдоди, самимийлиги олдида ҳануз таъзимдаман. Мен у кишидан инсонийлик сабоғини олдим. Одамларга ҳолис яхшилик қилишни, оғир пайтда қандай қўллаб-қувватлашни билдим. Гап фақат маданият ҳодимлари, ёзувчи-ю шоирлар, санъаткор-у рассомлар ҳақида кетаётгани йўқ. Ваҳоланки, улар миллатнинг юзи, фахри ҳисобланишди: бу ҳақда кейинроқ айтирман. Аммо мен ҳозир оддий одамлар ҳақида гапирмоқчиман. Чунки Шароф Рашидов кабинетда ўтиришни сира ёқтирмас, кўпроқ халқ орасида бўлиб, жонажон юртимиз сарҳадларини кезишни хуш кўрар эди. Оддий механизатор, сувчи, бригадир, чўпон ёки завод ишчиси у инсоннинг энг яқин суҳбатдоши эди...».

Китобда Шароф Рашидов ҳаёти ва ижоди, меҳнат фаолияти билан боғлиқ кўплаб ибратли воқеалар келтирилади. Бу китоб ўқувчиға нафақат Шароф Рашидов ҳақида қимматли маълумотлар беради, балки шу билан биргаликда мустақил ҳушнинг шифқатсиз сиёсатини ҳам маълум даражада фох этади. Китобхонларга яқин ўтмишдаги ҳаётимиз билан бугунги мустақиллик неъматларини таққослаб, ҳулюса чиқариш имкониятини ҳам беради. Кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган ушбу асар «Ўқитувчи» нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан чоп этилган.

Ўз муҳбиримиз.

ШАРОФ РАШИДОВ БИЛАН УЧРАШУВ

бутун ҳаётимни ўзгартириб юборган

Жиззах шаҳрида атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигига бағишланган тантанали тадбирларни катта ҳаяжон ва эҳтиром билан кузатдим. Айниқса, мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг нутқи мени ниҳоятда тўлқинлантириб юборди. Давлатимиз раҳбари ҳаммамизнинг дилимиз тубида ётган гапларни айтди, назаримда. «У киши бир умр ўзи каби содда ва камтарин одамларга елкадош бўлиб, уларнинг дарду ташвишлари билан яшади. Уларга хизмат қилишни ўз ҳаётининг маъно-мазмуни деб билди.

Ҳар қандай мурракб шароитда ҳам халқимиз манфаатини ўйлаб, амалга оширган ана шундай савобли ишларини эл-юртимиз ҳеч қачон унутмайди». Бу сўзлар аини ҳақиқат.

Шароф Рашидов бизнинг хотирамизда самимиёт, ҳалоллик ва ўз миллатига садоқатнинг тимсоли бўлиб муҳрланиб қолган. Шахсан менга ҳам у киши билан учрашиш, ғамхўрликларидан бевосита баҳраманд бўлиш бахти насиб этган.

Маълумки, Шароф Рашидовнинг ижод аҳлига муносабати, эътибори бошқача эди. Бунга ўзим шахсан ғувоҳ бўлганман. Менинг отам навқирон ёшида Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган. Онам 21 ёшида ана шу оғир айрилиқ азабига қолган. Онамнинг нияти мени ўқитиш, олий маълумотли қилиш эди. Мактабни тугатиб, олий ўқув юртига ҳужжат топширдиму иситмалаб, қирқ кун ётиб қолдим. Консултацияга боролмадим. Уйда тайёргарлик кўрдим. Биринчи имтиҳон — рус тилидан диктант ёзиб, «4» баҳо олдим. Иншодан баҳоним «5» бўлди. Оғзаки имтиҳондан ҳам яхши ўтдим. Олтинчи имтиҳондан 29 балл тўпладим. Ўша йили вилоятлардан келган абитуриентларга эътибор катта бўлиб, улар кўпроқ қабул қилинган. Мени резервга ўқишга қабул қилишди. Ёнғ охириги партада ўтириб, дарс тинглайман. Ярим йил ўтди, ҳамма имтиҳон топширди. Мендан ҳеч ким сўрамади. Деканатга кириб, ёлвориб, рухсат олиб, имтиҳонларимни топшираман. Алоҳида бир ҳоҳозга «5» баҳо қўйиб беришди. Иккинчи ярим йилликда ҳам шу ҳол такрорланди. Ҳамма баҳоларим «5», лекин иккинчи курсга ўтишга ҳаққим йўқ. Чунки кимдир ўқишни ташлаб кетган тақдирда, унинг ўрнига мени қабул қилишлари мумкин эди. Ўша кунлар ёдимга тушса, ўзимга ўзим ачиниб кетаман. Онам ишламайди, бувам 10 сўм пенсия олади.

Ана шу пуддан менга йўлки-ра бериб туради, зўрға ўқишга бориб келаман.

Биринчи курсда қолиб кетаётганимдан эзилиб, йиғлаб-йиғлаб олар эдим. Отам ҳаёт бўлганида бундай қийинчиликни кўрмас эдим, деб ўйлардим. Дугоналаримдан бири менга ачиниб, ўргатди. Отам урушда ҳалок бўлган, онам ишламайди, ўзим ўқишни хоҳлайман, менга ёрдам беринг, деб Ўзбекистон Олий советига ариза ёздирди-да, уни ўзи олиб кетди. Орадан ўн кун ўтар-ўтмас, жавоб хати олдим. Хатда Олий совет қабулхонасига боришим айтилган эди.

Қабулхонага бордим, кўпчилик навбат қутиб турган экан. Мен озгин, юпин кийинган қиз эдим. Ўзимни жуда нуқулай сезардим. Бир пайт эшик очилиб, юзларидан нур ёғилиб турган отахон кириб келди. Ҳамма ўрнидан турди. У киши биз билан қўл бериб сўрашиб, ичкарига кириб кетди. Мен ҳаяжондан титраб ўтирардим... Навбатим келгач, Холжўаева Нилуфар ким, деб чақирдишди. Ичкарига кирдим. Салом-алиқдан сўнг нима масалада келганимни сўради. Бор воқеани айтдим. «Яхши, ҳамкасб эканмиз», деди. Сўнгра ТошДУ(ҳозирги ЎзМУ)нинг ректори Саримсоқовга кўнғироқ қилди.

Қисқа саломлашган, «Ҳозир олдингизга Холжўаева Нилуфар, деган қиз боради. Уни 2-курсга қабул қилинг» деди. Телефон гўшагидан «Хўп-хўп, жоним билан», деган овоз эшитилди. Кейин отахон менга юзланиб, «Кизим, отам йўқ деб, кўп ўқсинманг, биз бор-миз, ўқишни ҳудди шундай давом эттиринг. Худо хоҳласа, янаги йили 2-курсни ҳам «5» баҳоларга битказсангиз,



менга «зачоткангизни» кўрсатиб кетинг», деб хайрлашди. Олий советдан чиқиб, ТошДУга шошганча етиб келсам, хайрон қоласиз, сизга ёлгон, Худога чин, Саримсоқов бини эшиги олдида мени қутиб турган экан...

Кейин билсам, менга ёрдам берган киши Ўзбекистон Олий совети Президумининг раиси Шароф Рашидов экан.

Мен фақат «5» баҳоларга ўқидим. Тўйиб-тўйиб Навоий, Ғузулий, Нодира, Увайсий каби шоирларнинг ғазалларини ёдлаб, ифодали ўқиб, ўрганганим учунми, «Ўзбекистон» радиоканалидаги «Ёш ижодкор дикторлар» танловидан ғолиб бўлиб, ишга қабул қилиндим. Радиода «Ғазал кечаси», «Лирика кечаси» каби эшиттиришларда иштирок этдим. Ўз овозимни ўзим радио орқали эшитиб, яйраб кетардим. Онамнинг ҳам қувончлари ичларига синамасди. Телевидениеда ҳам кўрсатувлар олиб борар эдим.

1978 йил бўлса керак, «Ўзбекистон» телевидениеси мусиқа бўлими катта муҳаррири Камилла Қосимова дутор ҳақида кўрсатув тайёрлашни кераклигини айтди. Ғанижон Тошматов раҳбарлигидаги дуторчи қизлар ансамбли фаолияти билан танишдим. Ансамбль дастуридаги қўшиқларни қайта-қайта эшитдим. Дуторнинг яратилиш тарихини ўргандим. Бизнинг уйимизда ҳам дутор бор эди. Гоҳи-гоҳида онам уни қўлларига олиб, халқ қўшиқларини айтарди. Халқ қўшиқларига, чолғу асбобларига меҳрим бўлакча эди. Шунинг

учун завқ билан, ҳаяжон билан сценарийни ёзиб тугатдим. Ниҳоят, ёз кунларининг бирида телевидениеда «Дуторчи қизлар» ансамблининг биринчи чиқиши бўлди. Кўрсатувни устоз Ғанижон Тошматов иштирокида олиб бордим.

Ўша кўрсатувдан сўнг Шароф Рашидов телевидение раҳбари Ўбай Бурхонга кўнғироқ қилиб, кўрсатув ижодкорларига ташаккур билдирибди. Кўрсатувни бундан буён шу шоира қизимиз тайёрласин ва олиб борсин, дебди. Навбатдаги кўрсатув танбур ҳақида бўлса, яхши бўлар эди, деган фикр билдирибди. Бу кўрсатувни ҳам тайёрлаб, бошловчиллик қилдим. Кейин билсам, Ғанижон Тошматов Шароф Рашидов билан учрашиб, кўрсатув ҳақида фикрлашиб келган экан. Раҳбарлар мени ҳаяжонланиб кетмасин деб, Шароф Рашидов топшириғи ҳақида гапиришмаган экан.

Кўрсатувдан сўнг телевидение раҳбари мени чақириб, табриклаб, Шароф Рашидов қабулига боришим кераклигини айтди. Қабулхонада икки киши навбат қутиб ўтирган экан. Ҳаяжоним ошгандан ошиб борарди. Ниҳоят, навбатим келди. Котиба аёл беш дақиқадан ортқ гапирманг, деб тайинлади. Мен ичкарига қадам қўйишим билан Шароф Рашидов ўриларида туриб, менга қараб юрди.

Кўришиб, креслога ўтиришни таклиф қилди. Ўзлари катта стол ёнидаги ўриндикда ўтириб, мендан ҳол-аҳвол сўради, ижодим ҳақида

савол берди, кўрсатувим учун миннатдорлик билдирди, ана шундай кўрсатувларни давом эттиришимни айтди. Бу гаплардан рағбат қўл ва кўрик ерлар ланиб, раҳмат айтдим, ўзим, оиламиз ҳақида гапириб бердим.

Шароф ака учрашишдан аввал мен ҳақимда ҳамма маълумотлардан хабардор бўлган экан. Отамнинг Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлгани, турмуш тарзимиз қандай, ижодим, ёзган китобларим, қўшиқ бўлган шеърларимга билиб олган экан. Давлат раҳбарининг оддий бир ижодкорга эътиборини қаранг!

Ҳамма маълумотларга эга бўлишларига қарамай, уй-рўзгор шароитлари, қандай китоблар ўқийганимга эришмай батафсил сўради ва диққат билан эшитди. Шундан сўнг қимматли маслаҳат ва тавсияларини берди. Бир соатдан кўпроқ давом этган суҳбатдан кейин энг яхши тилакларини тилаб, самимий хайрлашди. Мен ҳозиргача ана шу учрашувларни фахрланиб эслайман. Чунки бу учрашувлар ҳаётимни бутунлай ўзгартириб юборган.

Ўзбек халқи фидойи фарзандларини ҳамиша бошига кўтаради. Шароф Рашидовнинг асл ўзбекона фазилатлари — фидойилиги, камтарлиги, ҳалоллиги, ширинсуханлиги ўсиб келаётган ёшларимиз учун ибрат мактабидир.

Нилуфар АЛИХОНОВА,
шоира, Ўзбекистон
Ёзувчилар уюшмаси
аъзоси.

Тошкентда «Шароф Рашидовнинг Ўзбекистон тарихида тугган ўрни» мавзuida илмий анжуман ўтказилди. Унда таниқли олимллар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, чет эллик меҳмонлар, шоир-ёзувчилар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

ОЛИМЛАР ШАРОФ РАШИДОВНИ ХОТИРЛАДИ

Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президенти Б.Йулдошев очиб берди.

Шароф Рашидов салкам чорак аср Ўзбекистонга раҳбарлик қилди. Унинг саъй-ҳаракатлари билан юртимиз иқтисодиёт, илм-фан, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва санъат соҳаларида ютуқларни қўлга киритди. Минглаб гектар чўл ва кўрик ерлар ўзлаштирилди. Янги шаҳар ва қишлоқлар барпо этилди, боғу рўғлар, завод ва фабрикалар барпо этилди. Марказий Осиёда биринчи бўлиб Тошкентда метрополитен қурилди.

Шароф Рашидов, шунингдек, ўзбек адабиёти ривожига салмоқли ҳисса қўшган забардаст ёзувчи ва шоир эди. Хусусан, ижодкорнинг юртга муҳаббат, дўстлик ва садоқат каби инсоний фазилатлар юксак баъдий маҳорат билан ифодаланган «Қашмир қўшиғи», «Икки дил достони» асарлари жаҳоннинг 56 тилига таржима қилинган.

Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиклари О.Салимов, И.Искандаров, Б.Назаров, А.Асқаров, таниқли олим И.Кузъмин, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси М.Аҳмедов, тарих фанлари доктори Қ.Ражабов, Шароф Рашидов ҳақидаги қатор китоблар муаллифи, ёзувчи Ф.Раззоқов ва бошқалар шулар ҳақида сўзлаб, халқимизнинг содиқ фарзанди ҳақидаги хотиралар билан ўртоқлашди.

Шу кунларда таълим муассасалари, маҳаллаларда, давлат ва жамоат ташкилотларида Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигига бағишланган маънавий-маърифий тадбирлар, хотира кечалари бўлиб ўтмоқда. Жиззах шаҳрида унинг ҳайкали очилди. «Халқимизнинг отақалб фарзанди» номли китоб, танланган асарлари тўплами нашр этилди, ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳужжатли фильм яратилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 27 мартдаги «Атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида амалга оширилган шу каби эзгу ишлар халқимизнинг атоқли фарзанди хотирасига кўрсатилган эҳтирмининг олий даражаси эканлиги анжуманда алоҳида таъкидланди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А.Юнусходжаев иштирок этди.

Малоҳат ХУСАНОВА,
ЎЗА муҳбири.

Реклама

ЗАВОД «КРАНЫ И СПЕЦТЕХНИКА»

ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ ПОД ЗАКАЗ:



- ▶ Автокраны — 16, 25, 32, 50 т.
- ▶ Краноманипуляторы — 3, 5, 10 т.
- ▶ Ямобуры.
- ▶ Автовышки — 11, 18, 22, 28, 31м.
- ▶ Самосвалы — 3т, 4.5т, 9т.

ГАРАНТИЯ 1 ГОД

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент.
Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61.
Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05.
E-mail: cst2008@mail.ru
Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

MUASSIS:

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV

Muslihiddin

Farrux HAMROYEV

Ulug'bek VAFOYEV

MUHIDDINOV

Tat'yana KISTANOVA

Saidkamol XODJAYEV

Ochilboy RAMATOV

(Bosh muharrir o'rinbosari)



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Qabulxona — 233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
Reklama va e'lonlar uchun — 233-47-80
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvchisi tomonidan chop etildi.
Korxonaga manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1138

8806

nuxxada

bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220 t — Tijorat materiallari
O'za yakuni — 21:50
Topshirilgan vaqti — 23:20

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
Bardambek SA'DULLAYEV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7433
«1720107433»

1 2 4 5 6